

Қийинчилик ёки хафачилик етганда ўқиладиган дуо



08:14 / 21 ноябрь 760

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар менга бирор қийинчилик ёки хафачилик етса, қуйидаги калималарни айтишни таълим бердилар:

مَيْرَكْلَا هَلْ لَّا إِلَٰهَ إِلَّا
كَرَابَتٌ هَنَّاخُبُّسٌ، مِيظَعْلَا
مِيظَعْلَا شَرَعْلَا بَرُّهَلْ لَّا
نِيْمَلْ أَعْلَا بَرُّهَلْ دُمَحْلَا

«Лаа илаҳа иллаллоҳу каримул ѓазийм. Субҳанаҳу табарокаллоҳу роббул ѓаршил ѓазийм. Алҳамду лиллаҳи роббил ѓаламийн».

(Маъноси: Улуғ ва карим сифатли Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Улуғ арш рабби Аллоҳ баракотли ва покдир. Оламлар рабби Аллоҳга ҳамд бўлсин.)

Насий ва Ибн Сунний ривоятлари.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар ҳам ушбу калималарни таълим бериб, безгак касалига пуфлаб, бегоналарга узатган қизларига ҳам ўргатардилар.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан